

Туркиядаги масжидларда ижтимоий масофа бекор қилинди



18:50 / 15.11.2021 2440

Туркия Дин ишлари бўйича бошқармаси (Diyanet) 2020 йилда масжидларда намоз ўқиш учун жорий қилинган ижтимоий масофани сақлаш қондасини бекор қилди. Бу ҳақда Диёнат раҳбари Али Эрбаш 2021 йил 12 ноябр куни маълум қилди, дея хабар беради Daily Sabah.

Эрбаш фармониغا кўра, намоз ўқиш вақтида мўминлар бир-бирига имкон қадар яқин бўлиб, намозни хавфсиз тартибда ўқиши мумкин. У диндорларни гигиена қоидаларини унутмасликка ва намоз вақтида ниқоб тақишда давом этишга чақирди.

Диёнат раҳбари Туркиядаги масжидларда пандемия сабабли муаммолар йўқлигини таъкидлаб, буни масжидлар ходимлари ва диндорларнинг

хушёрлиги билан боғлади. Унинг сўзларига кўра, масжидларда ижтимоий масофа бекор қилинишига сабаб қишнинг яқинлашиб келаётгани, кўчада намоз ўқишнинг ноқулайлиги ва Туркияда коронавирусга қарши эмлашлар сонининг ортиб бораётганидир дея таъкидлаган.

Пандемиянинг дастлабки кунларида Туркиядаги масжидлар намоз ўқиш учун ёпилган эди, аммо улар 2020 йилнинг май ойида қайта очилиб, мусулмонларни ижтимоий масофа сақлаб намоз ўқишга мажбур қилган эди. Аммо мусулмонларга фарз бўлган жума намозини ўқишда чекловларга риоя қилган ҳолда масжидларга жойлаштира олмагани учун қийин бўлиб қолди.

10 ноябрь куни Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги 27 259 та янги инфекция ҳолати ҳақида хабар берган. Ҳозирда Туркияда 50 миллионга яқин одам тўлиқ эмланганлиги ҳисобга олинган. Аммо касалланиш кунлик сони ҳали ҳануз сақланиб қолмоқда.